



**МИРЗАЧЎЛ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЎЛКАСИ
ҚОРИНОЁҚЛИ ЧУЧУК СУВ МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ
ЭКОЛОГИК-ТАСОНОМИК ТАРКИБИ**

Хамдамов Жавлонбек Бахтиёр ўғли

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

2-Педатрия факультети 6-босқич 606 гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6023910>

ARTICLE INFO

Received: 15-december 2021

Accepted: 15-january 2022

Online: 5-february 2022

KEY WORDS

Mirzachul, Turkestan,
family, shellfish,
Hydrobiidae, Belgrandiinae,
ecosystem, ecology,
taxonomy, freshwater

ABSTRACT

In this paper, abrupt changes in natural ecosystems as a result of increased pressure of anthropic components on the environment are causing changes in wildlife populations. Ecological and taxonomic characteristics of freshwater mollusks of Mirzachul natural geographical region, biology of the most common species in the region, their variability, distribution in water bodies are studied. The height of the shell, the shape of the shell, the size of the shell mouth, the composition of the limestone, the structure of the shells, the height of the dome of the family members were studied and analyzed.

Ecological and taxonomic description and distribution of 11 species of freshwater mollusks belonging to 5 families distributed in Mirzachul natural geographical area are given, original pictures of shell structure and biology of each species are given.

Кириш. Охирги йигирма йилда олиб борилаётган зоологик тадқиқотлар ичида фаунистик изланишларга алохида эътибор қаратилмоқда. Бунинг асосий сабаби, антропоген компонентларнинг атроф-муҳитга бўлган таъйиқининг кучайиб бориши натижасида табиий экосистемаларнинг кескин ўзгаришига олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида у ерда яшаётган ҳайвонот дунёсининг популяциясини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун табиий экосистемалар ўзгартирилган Мирзачўл табиий географик ўлкасининг ҳайвонот дунёсининг биологик хилма-хиллигини ўрганиш ҳозирги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мирзачўл табиий географик ўлкаси [1.2.3,4] Қизилқум чўли билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, ўлканинг шимолий чеккаси Қозоғистон чегарасига тўғри келади, жанубий чегараси эса, Тожикистон билан Ўзбекистоннинг маъмурий чегараси бўйлаб ўтади. Мирзачўл ўлкасининг жанубида Туркистон тоғ тизмаси, Молгузар ва Нурота тоғлари ҳамда Сангзор водийси жойлашган. Мирзачўл текислиги, Туркистон, Молгузар, Нурота тоғларининг шимолий ён бағри ҳамда Сангзор водийси Мирзачўл ғарбий географик ўлкаси таркибига киради. Мирзачўл текислиги маъмурий



жихатдан Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудига тўғри келади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот объекти сифатида Мирзачўл табиий географик ўлкасида қориноеқли чучук сув моллюскаларининг 5 оила Hydrobiidae, Lymnaeidae, Physidae, Bulinidae, Planorbidae 11 тури олинди.

Қориноеқли чучук сув моллюскаларининг чучук сувли моллюскаларни йиғиш усуллари энг оддий усул сув ҳавзасининг қирғоқлари бўйлаб саёз сувда ва қуриган зонада қўллар билан терилди ва Жадин, 1950; методларидан фойдалиниди [7].

Олинган натижалар ва уларнинг тахлили

Оила **HYDROBIIDAE** Stimpson, 1865

Оила вакилларининг чиғаноғи ҳар хил шаклда бўлиб, силлиқ юзали, камдан-кам ҳолда қовурғали, киндиксиз ёки тор киндикли бўлади. Чиғаноқ оғзи овал шаклда, қирралари туташган, қопқоқчаси, асосан, шохсимон, айримларида охак моддадан ташкил топган, спирал ўрамга эга.

Hydrobiidae оиласи 3 та кенжа оилага: Hydrobiinae, Pyrgulinae ва Belgrandiinae бўлиниб, улардан фақат охирги 2 та кенжа оила вакилларигина Ўзбекистонда учрайди [5].

Уруғ **Martensamnicola** Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1985

Чиғаноғи баланд конуссимон шаклдан юмалоқ тухумсимон шаклгача бўлиб, силлиқ, сарғиш жигаррангда, шаффоф эмас.

1. Martensamnicola brevicula Martens, 1874.

Мартенс, 1871:30, табл. II, фиг. 28/ Hydrobia (Amnicola); Жадин, 1952:230-231, рис. 156 (Pseudamnicola); Лихарев, Старобогатов, 1967:169; Иззатуллаев,

Ситникова, Старобогатов, 1985:54, рис. 1, I (Martensamnicola – половая система); Иззатуллаев, 1987:656-658, рис. 54 а.

Материал. 91 нусхада. Хўжамушкентсой чашма ва булоқларидан терилган.

Чиғаноқнинг барча морфологик белгилари адабиётларда [6,7,8] келтирилган маълумотларга мос келади. Чиғаноғи баланд конуссимон шаклдан юмалоқ тухумсимон шаклгача бўлиб, силлиқ, сарғиш жигаррангда, шаффоф эмас. Ўрамлар сони 4 та. Охирги ўрам юмалоқлашган. Чиғаноқ оғзи чиғаноқ баландлиги ярмига тенг, бироз қиялашган, юмалоқ овалсимон, юқори қисмида бурчак ҳосил қилган. Киндиги тор тирқиш кўринишида.

Чиғаноқ баландлиги 1,7-2 мм, Катта диаметри 1,5-1,8 мм.

Э к о л о г и я с и. Кренофил. Юқори адир ва тоғ минтақаларидаги чашма ва булоқлардаги сувўтлар ҳамда тошларга ёпишиб яшайди.

Т а р қ а л и ш и. Ўрта Осиё тоғли минтақаларида учрайди. Тожикистонда ва Ўзбекистонда Ҳисор, Зарафшон ҳамда Туркистон тоғ тизмаларида тарқалган. Бундан ташқари у шимоли-шарқий Афғонистон чашмаларидан ҳам топилган [9].

Уруғ **Bucharamnicola** Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1985

Чиғаноғи паст конуссимон, ўрамлари секин катталашиб борувчи 3,5 та ўрамдан иборат.

2. Bucharamnicola bucharica Shadin, 1952.

Жадин, 1952:233-234, (Pseudamnicola), (раковина и радула); Старобогатов, 1972: 11; Иззатуллаев, Ситникова, Старобогатов, 1985:54, Иззатуллаев, 1987:660-662, рис. 55а

Материал. 40 нусхада. Хўжамушкентсой атрофидаги чашмалар. Чиғаноқнинг



асосий морфологик белгилари адабиёт [5,6,7,8] маълумотларига тўғри келади. Лекин ўлчамларида бироз фарқлар мавжуд.

Чиғаноғи паст конуссимон, ўрамлари секин катталашиб борувчи 3,5 та ўрамдан иборат, сарғиш-яшил рангли, охирги ўрам кескин даражада кенгайган. Оғзи овал шаклда, охирги ўрамдан ажралган. Оғзининг юқори қисми ўткирлашган, пастки қисми эса кенгайган. Оёғининг юқори қисмида қопқоқчаси бор. Киндиги тор тиқиш кўринишида.

Чиғаноқ баландлиги 1,7-2 мм, Катта диаметр 1,6 мм. Э к о л о г и я с и. Кренофил. Булоқ ва чашмаларнинг совуқ сувлари тошлари устида ва сув ўсимликларида яшайди. Кундузи кўёш нуридан қочиб, тошлар остига яшириниб олади. Хўжамушкент чашмаларида *Martensamnicola brevicula* билан бирга учрайди.

Т а р қ а л и ш и. Ўрта Осиё юқори адир минтақаси чашмаларида тарқалган. Ўзбекистонда Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ва Нурота тизмасининг жанубий ёнбағрида ҳамда Чирчиқ дарёси ҳавзасида учрайди.

Оила **LYMNAEIDAE** Rafinesque, 1815

Оила вакиллариининг чиғаноғи одатда ўнг ўрамли, конуссимон, минорасмон ёки шарсимон, юпқа деворли, чиғаноқ оғзи ҳар хил кенгликда бўлади. *Lymnaeidae* оиласи вакиллари бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган сув моллюскалари бўлиб, ушбу худудда уларнинг 34 тури учраши аниқланган [10]. Ушбу оила вакиллариини турли сув ҳавзаларида кўплаб миқдорда учратиш мумкин. *Lymnaeidae* оиласи 2 та уруғга, *Lymnaea* ва *Aenigmomphiscola*[11]. га бўлинади. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда

Lymnaeidae оиласининг фақат *Lymnaea* уруғи вакиллариининг учрайди.

Уруғ ***Lymnaea*** Lamarck, 1799

Чиғаноғи ҳар хил шаклда ва ўлчамда бўлиб, баландлиги 1см дан 5-6 см гача етади. Лаб пайпаслагичлари бошқа уруғ вакиллариининг фарқли равишда учбурчак шаклда бўлади. Копулятив аппарати оддий тузилган (препуциал органсиз).

3. *Lymnaea stagnalis* Linnaeus, 1758.

Linnaeus, 1758:774 (*Helix*); Martens, 1874:28 (*Lymnaea stagnalis* L. var. *turgida*); Hubendick, 1951:26-27, fig. 15-16; 118-119, fig. 266 (*L. stagnalis*); Линдгольм, 1914:314 (*L. stagnalis*); 1931:38-39; Жадин, 1952:166, рис. 61 (*L. stagnalis*); Акрамовский, 1976:104-105, рис.33, табл. II, рис. 12-13; Старобогатов, 1977:161, рис.368; Березкина, Старобогатов, 1981:1760, рис.2, 4-7; Круглов, Старобогатов, 1981:1326, рис. 1, 3-4; Иззатуллаев, 1987:699-705, рис. 66а, б.

М а т е р и а л. 8 нусхада. Сирдарё, Сайхунобод тумани, Сирдарё дарёси қирғоғидан ҳамда Гулистон шаҳар худудидаги ариқлардан терилган.

Чиғаноғи баланд конуссимон, ўрамлар сони 6 та, бир текисда катталашиб борувчи, ранги оч жигарранг. Гумбазининг баландлиги оғзининг баландлигига деярли тенг ёки кичикроқ. Уларнинг нисбати 0.97 га тенг. Чиғаноқ оғзи чўзиқ овал шаклда. Юқори қисмда ўткир бурчак остида чиғаноқ девори билан туташган. Киндиги чиғаноқ оғзи билан тўлиқ ёпилиб кетган.

Чиғаноқ баландлиги 23.8 мм, Катта диаметр 10 мм.

Э к о л о г и я с и. Дарё, кўл ва сув омборларининг секин оқар қисмида, кўпинча қирғоқларнинг сувўтлар билан қалин ўсган қисмида яшайди.



Т а р қ а л и ш и. Европа, шимолий Осиё ва Ўрта Осиё.

4. *Lymnaea oblonga* Puton, 1847.

Linnaeus, 1758:774 (Helix); Martens, 1874:28 (*Lymnaea stagnalis* L. var. *turgida*); Hubendick, 1951:26-27, fig. 15-16; 118-119, fig. 266 (*L. stagnalis*); Линдгольм, 1914:314 (*L. stagnalis*); 1931:38-39; Жадин, 1952:166, рис. 61 (*L. stagnalis*); Акрамовский, 1976:104-105, рис.33, табл. II, рис. 12-13; Старобогатов, 1977:161, рис.368; Березкина, Старобогатов, 1981:1760,

М а т е р и а л. 9 нусхада. Хўжамушкент атрофидаги оқар сувлар. Чиғаноғи баланд минорасмон, жигар рангли, ўрамлар сони 5 та, секин ортиб борувчи, кучли қабариқлашган, зинапоясимон. Охирги ўрамининг баландлиги чиғаноқ умумий баландлиги 0.70 қисмидан кичикроқ. Чиғаноқ оғзи чиғаноқ баландлиги бўйича кучли чўзилган овалсимон. Оғзининг юқори қисми ўткир бурчак ҳосил қилиб туташган. Киндиги тор тирқишли. Чиғаноқ баландлиги 6.3 – 6.6 мм, Катта диаметри 3.5 – 3.7 мм.

Экологияси. Булоқ ва чашма тошлари остида, ҳамда устида яшайди.

Т а р қ а л и ш и. Европанинг жануби ва ғарби, ғарбий Ўрта Шарқ, ғарбий Ўрта Осиё[9].

5. *Lymnaea truncatula* Müller, 1774.

Muller, 1774:130-131 (*Buccinum truncatula*); Draparnaud, 1805:51 (*Linnaeus minutus*); Westerlund, 1885:49 (*Limnaea truncatula*); Жадин, 1933:104 (*Galba truncatula*-частично); 1950:57-58; 1952:175-176, рис.76 (частично); Hubendick, 1951:122-124, figs. 306-307 (*L.truncatula*); Jaeskel, 1956:339; Лихарев, Старобогатов, 1967:172; Бутенко, 1967:206-207; Иззатуллаев, 1972:46-47 (частично); Старобогатов, 1977:161,

рис.367; Solem, 1979:8-10, fig. 2с; Иззатуллаев, Круглов, Старобогатов, 1983б:398, рис.1, 7-8; Иззатуллаев, 1987:718-720, рис.72:7, 8.

М а т е р и а л. 26 нусхада. Хўжамушкент қишлоғи, Хўжамушкентсой сувлари. Чиғаноғи баланд – конуссимон, юққа деворли, ранги жигаррангдан тўқ жигарранггача. Ўрамлари 4-5 та, бир текисда ортиб борувчи. Тангент чизиғи тўғри. Охирги ўрам кенгаймаган, унинг баландлиги чиғаноқ баландлиги 0.70 қисмига тенг ёки кичикроқ. Чиғаноқ гумбази ўрамлари кучли даражада қабариқ, зинапоясимон, чуқур чокли. Чиғаноқ оғзи овал, тўғри бурчакли. Киндиги тор тирқишли. Чиғаноқнинг морфологик белгилари ўзгарувчан[11]. ўлчамлари бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлардан биров катталиги билан фарқ қилади. Чиғаноқ баландлиги 6,3 – 7,1 мм, Катта диаметр 3,3 – 3,8 мм. Экологияси.Тельматофил. Асосан, қуриб қолувчи ва кичик чашмалар сувининг четида ва лойда яшайди. Текислик минтақаси сувларида кўп учрайди.

Т а р қ а л и ш и. Европа, Кавказ, Ғарбий Сибир, Шарқий Сибирнинг жануби ва Ўрта Осиё [11].

6. *Lymnaea subangulata* Roffiaen, 1868.

Roffiaen, 1868:78 (*Limnaea truncatula* var. *subangulata*); Иззатуллаев, Круглов. Старобогатов, 1983б:397-398, рис.1, 5, 6 (*L. Ventricosa*); Иззатуллаев, 1987:720-721, рис.72:3, 4.

М а т е р и а л. 15 нусхада. Хўжамушкент сув омбори атрофидан терилган. Чиғаноғи конуссимон, жигаррангли, ўрамлари 4-5 та, тез ортиб борувчи. Гумбазининг ўрамлари кучли даражада қабариқ, чуқур чокли. Чиғаноқ оғзи чиғаноқ баландлиги бўйича чўзилган овалсимон, юқорида ўткир бурчак ҳосил



қилиб охирги ўрам билан туташган. Охирги ўрам баландлиги чиғаноқ баландлигининг 0.70 қисмидан доим ортиқ. Киндиги тор тирқишли. Чиғаноқ баландлиги 7.2 – 9.3 мм, КатД 3.9 – 5.3 мм. Э к о л о г и я с и. Юқори адир ва тоғ минтақаси чашма тошлари остки ва устки қисмида яшайди.

Т а р қ а л и ш и. Ғарбий ва жанубий Европа, Кавказ, ғарбий Ўрта Осиё.

7. *Limnaea auricularia* Linnaeus, 1758.

Linnaeus, 1758:774 (*Helix*); Westerlund, 1885:29 (*Limnaea*); Жадин, 1933:94 (*Limnaea*); 1952:168-169, рис.63 (*Radix*); Старобогатов, 1977:160, рис.361; Иззатуллаев, 1987:733-736, рис.76а, б.

М а т е р и а л. 60 нусхада. Хўжамушкентсой, Оқолтин, Сардоба туманлари, Гулистон шаҳари худудларидаги ариқларидан терилган.

Чиғаноғи қулоқсимон, оч сариқ рангда, юпқа деворли ва мўрт. 3 – 4 та секин ортиб борувчи ўрамли, ботиқ тангент чизиқли. Охирги ўрам тез катталашиб, деярли бутун чиғаноқ катталигига тенглашган. Гумбаз ўрамлари ноксимон қабарик. Чиғаноқ оғзи жуда катта, кенг овалсимон. Киндиги колумелляр қирра билан тўлиқ ёки деярли тўлиқ ёпилган.

Чиғаноқ баландлиги 19 мм, Катта диаметри 17,5 мм.

Э к о л о г и я с и. Фитореофил. Секин ва тез оқар турли сув ҳавзалари қирғоғида, сувўтлар орасида яшайди. Қуриб қолувчи сувлардан қочади.

Т а р қ а л и ш и. Палеарктиканинг кенг тарқалган тури. Европа, Ғарбий Ўрта Шарқ, Сибир ва Ўрта Осиё.

8. *Limnaea bactriana* Hutton, 1849.

Hutton, 1849:656 (*L. bactriana*); Мартенс, 1874:26-27, табл.2, фиг. 24 (*L. lagotis* var. *costulata*); Annandale, Prashad, 1919:45-46, pl. 5, fig. 1, 2 (*L. bactriana*); Лихарев, Старобогатов, 1967:170-171, рис.2, А, Б.

(*L. Auricularia bactriana*); Лазарева, 1967б:202, рис.5; Иззатуллаев, 1972:46; Иззатуллаев, Круглов, Старобогатов, 1983в:57 (*L. bactriana*); Иззатуллаев, 1987:755-758, рис.83а, б, в

М а т е р и а л. 22 нусхада. Хўжамушкент қишлоғи атрофидаги сувлардан терилган.

Чиғаноғи тухумсимон ёки конусли тухумсимон, 4 – 4.5 бир қабариклашган ўрамли. Охирги ўрами кенгайган. Тангент чизиқ деярли тўғри, чоки чуқур, бироз қиялашган. Чиғаноқ оғзи овал, палатал қирраси бир текисда қайрилган. Киндиги тор тирқишли.

Чиғаноқ баландлиги 15 – 17,8 мм, Катта диаметр 11,5 – 13,2 мм.

Э к о л о г и я с и. Текислик ва тоғ минтақасининг чучук ва шўртоб сув ҳавзаларида яшайди. Фитофил. Текислик минтақаси секин оқар сув ҳавзалари сувўтлари орасида кўп миқдорда учрайди.

Т а р қ а л и ш и. Марказий Осиё тури. Ўрта Осиё сув ҳавзаларида текисликдан тортиб то баланд тоғ минтақасигача (денгиз сатҳидан 3900 м баландликкача) учрайди

Оила **PHYSIDAE** Firzinger, 1833

Ўрта Осиёда Physidae оиласининг 2 тури: *Costatella acuta* (Drap.) ва *C. integra* (Haldeman) нинг яшаши аниқланган. Улардан *C. integra* келтирилган тур бўлиб, дастлаб З.И.Иззатуллаев [10] томонидан Тожикистонда қайд этилган. Бу оила вакиллари хос бўлган хусусият барча турларининг чап ўрамли чиғаноққа эга бўлишидадир.

Уруғ **Costatella** Dall, 1870

Чиғаноғи оч жагаррангдан тўқ жигарранггача, микроскулптураси яхши ривожланмаган, чиғаноқ гумбази чиғаноқ оғзи баландлигининг 0,49



қисмидан ошмайди. Пенис қоппи мускулли, ярим шаффоф.

9. *Costatella acuta* Draparnaud, 1805

Draparnaud, 1805:5, Т.3. figs. 10, 11 (Physa); Жадин, 1952:179, рис.82; Старобогатов, 1970:289; 1970:49, 145 (Physella); Иззатуллаев, 1972:47; Акрамовский, 1976:112-113, рис.40, табл. II. рис.23; Иззатуллаев, 1975:8-12 (Physodon acutum); Burch, 1982, p. 54, fig. 678 (Physella acuta); Иззатуллаев, 1987:790-791, рис. 956, в.

М а т е р и а л. 100 нусхада. Сирдарё, Сайхунобод ва Гулистон туман сувларидан терилган.

Чиғаноғи чап ўрамли, конус шаклда. Ранги оч жигаррангдан тўқ жигарранггача. Ўрамлари 4-5 та. Охирги ўрам кескин катталашиб, чўзиқ овал шаклли оғиз ҳосил қилган. Чиғаноқ гумбазининг баландлиги чиғаноқ оғзидан доим кичик. Оғзининг юқори қисми ўткир бурчак остида чиғаноқ деворига туташган. Киндиги колумелляр қирранинг ташқарига қайрилиши натижасида тўлиқ беркилиб кетган.

Чиғаноқ баландлиги 10,5 – 12,3 мм, Катта диаметри 6,5 – 7,2 мм.

Э к о л о г и я с и. Фитофил. Текислик ва юқори адир минтақасининг секин оқар турли сув ҳавзалари қирғоғида, сувўтлар орасида яшайди.

Т а р қ а л и ш и. Ўртаер денгизи тури. Олд ва Ўрта Осиё, собиқ иттифоқда эса Арманистон ва Озарбайжонда учрайди. Ўрта Осиёда текисликдан то баланд тоғ минтақаси сувларигача кенг тарқалган.

Оила **BULINIDAE** Herrmansen, 1846

Чиғаноқи қалпоқсимон, чўзилган оғизли ёки ясси спирал, йирик, баландлиги 5,2 мм дан кам эмас. Bulinidae оиласи вакиллари асосан субтропик ва тропик минтақаларда тарқалган бўлиб, барча

қитъа сув ҳавзаларида учрайди [12]. Бу оила ўз ичига 5 та кенжа оила ва 35 уруғни бириктиради. Ўрта Осиёда ушбу оиланинг 2 вакили: *Pettancylus australis* (Tate) ва *Seminolina* (*Helisoma*) *eudiscus* (Pilsbry) интродуцент турлар сифатида қайд этилган.

Уруғ ***Seminolina*** Pilsbry, 1934

Чиғаноғи қовурғаларсиз, силлиқ. Чиғаноқ оғзи бурчаклари киндик яқинида кучли даражада юмалоқлашган.

10. *Seminolina eudiscus* Pilsbry, 1934.

Pilsbry, 1934:42-43, pl. 9, fig. 4 (type) –9 (*N. duryi eudiscus*); Baker, 1945:302-303, fig. 1-7 (копулятивный аппарат), 340-341, pl. 52, fig. 9-11 (кладки); 362-363, pl.63, fig. 4 (раковина); 446-447, pl. 105, fig. 14-16 (раковина-паратипа), Burch, 1982, p. 61, figs. 738-739 / *Planorbella* (*Seminolina*) *duryi* / (*Wet-herby*, 1879); Иззатуллаев, 1987:798-800, рис. 98:1а, б, в (*Helisoma eudiscus*); Старобогатов, Прозорова, 1990:27-37.

М а т е р и а л. 52 нусхада. Гулистон шаҳри ариқларидан терилган.

Чиғаноғи ясси, спирал, чап ўрамли, қаттиқ деворли. Ўрамлар сони 5.5 – 6 та. Охирги ўрам олдинги ўрамга нисбатан 2.5 марта кенг ва унинг юзасига нисбатан анча юқорига кўтарилган. Чиғаноқнинг устки юзаси оч жигаррангда, пастки юзаси эса тўқроқ рангда. Чиғаноқ оғзи қиялашган, овал тухумсимон шаклда. Қирралари тўғри, колумелляр қиррадан ташқари. Колумелляр қирра кучли даражада қайрилган. Чиғаноқ юзаси дағал радиал чизиқларга эга. Киндиги очиқ ҳолатда жойлашган.

Чиғаноқ баландлиги 6.8 – 7.8, Катта диаметри 15.2 – 17.7, Кичик диаметри 12.3 – 13.6 мм.



Э к о л о г и я с и. Фитофил, пелофил. Секин оқар ариқларда сувўтларга ва ариқ деворига ёпишиб яшайди.

Т а р қ а л и ш и. Флорида ярим ороли (АҚШ). Ўрта Осиёга аквариум сувўтлари, билан келтирилган Гулистон шаҳри ариқларидан илк бор А.Т.Каримкулов, З.И.Иззатуллаевлар томонидан қайд этилган [11].

Оила **PLANORBIDAE** Rafinesque, 1815

Чиғаноғи қалпоқсимон деярли юмалоқ оғизли ёки ясси спирал, баландлиги 5 мм гача, ёки ўнг ўрамли бироз кўтарилган гумбазли бўлади.

Planorbidae оиласи тур ва уруғларга бой бўлган ва барча қитъаларда тарқалган чучук сув моллюскаларидир.

Ўрта Осиёда Planorbidae оиласига кирувчи 32 турнинг яшаши қайд этилган. Шуълардан 2 тури: *Biomphalaria glabrata* (Say), *B. tenagophila* (Orbigny) иқлимлаштирилган ҳисобланади.

Уруғ **Planorbis** Geoffroy, 1767

Чиғаноғи дисксимон, нисбатан йирик, қаттиқ деворли, 4 та ўрамининг эни 10 мм дан ошади.

11. Planorbis tangitarenis Germain, 1918.

Nevill, 1878:243 / *Planorbis* (*Anisus*) *subangulatus* (?) var. n. sp./; Germain, 1918:276 / *P.* (*Tropidiscus*) *planorbis* var. *tangitaensis* / (tyre); 1924:77; 1924:204, pl. IV, 3, 4, 8; Лихарев, Старобогатов, 1967:175 (*P. Sieversi tanginatensis*); Бутенко, 1967:207; Иззатуллаев, 1972:47, рис. 1, 6; Иззатуллаев, 1987:811-812, рис. 101:2а, б, в.

М а т е р и а л. 12 нусхада. Хўжамушкент қишлоғи атрофидаги сувлардан терилган.

Чиғаноғи чап ўрамли, нисбатан мустаҳкам деворли, ранги оч жигаррангдан тўқ жигарранггача, ясси

шаклли. Ўрамлари 4 – 7 та, секин ортиб боровчи, пастки тарафдан юқори томонга нисбатан чуқурроқ ботиб кирган. Охирги ўрам аниқ кўриниб турувчи бурчак ва кам даражада ривожланган қиррага эга. Киндиги очиқ ҳолатда жойлашган. Чиғаноқ баландлиги 3 – 3,6 мм, Катта диаметри 9,6 – 11,3 мм, Кичик диаметри 7,7 – 9,4 мм.

Э к о л о г и я с и. Фитофил. Доимий ва вақтинчалик сув ҳавзаларида – кўлмак, ҳовуз, кўл ва булоқ сувларидаги сувўтлар орасида яшайди. +20°, +30°С ли илиқ булоқ сувларида ҳам учраб туради [14].

Т а р қ а л и ш и. Марказий Осиё тури. Ўрта Осиёда текисликлардан тортиб, то баланд тоғларгача тарқалган.

Хулоса.

Мирзачўл табиий географик ўлкасида қориноёқли чучук сув моллюскаларининг 11 тури учраб, 5 оила 6 уруғга мансублиги аниқланди, турларнинг биологияси ва экологиясига оид маълумотлар келтирилди. Қориноёқли чучук сув моллюскалари 11 турининг чиғаноқ баландлиги, чиғаноғи шакли, чиғаноқ оғзи ўлчамлари, охак моддадан ташкил топганлиги, ўрамларининг тузилиши, гумбазининг баландлиги ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Мирзачўл қориноёқли моллюскаларининг ўрганиш тарихи таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўрта Осиёда қуруқлик моллюскаларни ўрганиш 160 йилдан узоқроқ давом этсада, бироқ Қориноёқли чучук сув моллюскаларига оид мавжуд маълумотлар фрагментар характерга эга эканлигини кўриш мумкин.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Баротов П. Ўзбекистон табиий географияси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1966.- 181-188 б.
2. Богданов О.П. Животные Узбекистана. – Ташкент: Ўқитувчи, 1975.-С 82-87.
- 3.Глазурин Г.Е., Чанишева С.Г., Чуб В.Е. Ўзбекистон иқлимнинг қисқача очерки. - Тошкент,1999. С 7-15.
4. Мўминов О.,Баротов П., Маматқулов М., Раҳимбеков Р. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент, 2001. 329-336.б.
- 5.Иззатуллаев З.И. Водные моллюски Средней Азии и сопредельных территорий // Дис. ... д-ра биол. наук. – Л., Приложение 1, 1987. – С. 585 – 812.
6. Иззатуллаев З.И. Водные моллюски Средней Азии и сопредельных территорий // Дис. ... д-ра биол. наук. – Л., Приложение 1, 1987. – С. 585 – 812.
7. Жадин В.И. Моллюски пресных и солоноватых вод СССР. – М. – Л.: Изд. Зоол. инст. АН СССР. 1952. – 374 с.
- 8.Иззатуллаев З.И., Ситникова Т.Я., Старобогатов Я.И. О систематическом положении среднеазиатских «псевдамникол» // Бюлл. МОИП, отд. биол. – Москва, 1985. – Т. 90. – № 5. – С. 52 – 60.
9. Лихарев И.М., Старобогатов Я.И. Материалы к фауне моллюсков Афганистана // Моллюски и их рол в формировании фаун. – Л.: Наука, 1967. – С. 159 – 197.
- 10.Иззатуллаев З.И. Итоги и перспективы изучения водных моллюсков фауны Средней Азии // СамДУ Ахборотномаси. – Самарканд, 2003. – № 1. – С. 45 – 48.
11. Каримкулов А.Т., Иззатуллаев З.И. Интродуцированные брюхоногие моллюски северо-запада Туркестанского хребта и его окрестностей // Узб. биол. журн. – Ташкент, 2008. – № 6. – С. 52 – 55.
- 12.Kruglov N.D., Starobogatov Y.I. Guide to Recent mollusks of northern Eurasia. Annotated and illustrated catalogue of species of the family Lymnaeidae (Gastropoda, Pulmonata, Lymnaeiformes) of Palearctic and adjacent river drainage areas // Ruthenica. – Moscow, 1993. – V. 3. – N. 1, 2. – P. 65 – 92. – P. 161 – 180.
13. Иззатуллаев З.И., Круглов Н.Д., Старобогатов Я.И. Новые для науки и фауны Средней Азии виды подрода *Galba* рода *Lymnaea* (Gastropoda, Pulmonata) II. Секция *Galba* s. str. // Докл. АН Тадж ССР. – Душанбе, 1983. – Т. 26. – № 6. – С. 395 – 398.
14. Старобогатов Я.И. Фауна моллюсков и зоогеографическое районирование континентальных водоёмов Земного шара. – Л.: Наука, 1970. – 327 с.
- 15.Старобогатов Я.И., Прозорова Л.А. Видовой состав семейства *Vulinidae* (Gastropoda, Pulmonata) в водоёмах СССР (с замечаниями по системе подсемейства *Camptoceratinae*) // Зоол. журн. – 1990. – Т. 63. – Вып. 4. – С. 27 – 37.
16. Мухамадиев С.А., Иззатуллаев З.И. Методические указания по исследованию моллюсков – промежуточных хозяев гельминтов человека и животных. – Душанбе: Тадж. СХИ, 1990. – 48 с.
17. Martens E. Die ersten Landschnecken von Samarkand //Malakozool. B1. 1871. Bd. 18, S. 61 – 69.
18. Martens E. Binnen – Mollusken von Chiwa. //Jahrb. dtsch. malak. Ges. 1876. Bd. III.S. 334 – 337.
19. Martens E. Conchologische Mittheilungen als Fortsetzung der Novitates conchologicae Kasel, 1881. Bd.1 S.1-101.
20. Martens E. Ueber Centralasiatische Mollusken //Men.Acad. Sci.St. Petersb. 1882. Bd. 30, № 11. S.1 – 65.